

# Инсон ва қонун

www.hudud24.uz

2021 йил 10 август  
сешанба  
№ 32 (1288)

- www.hudud24.uz
- insonvaqonun@adliya.uz
- fb.com/hudud24official/
- t.me/hudud24official/

hudud24

Endi 24 soat siz bilan!

- Энг сўнги хабарлар
- Хуқуқий маълумотлар
- Таҳлилий мақолалар
- Мурожаатга жавоблар



ГАЙРИҚОНУНИЙ ЖАРИМА  
БЕКОР ҚИЛИНДИ 3-БЕТ

ЯНГИЛАНАЁТГАН СУД ҲАҚИДА  
СУДЬЯЛАР НИМА ДЕЙДИ? 6-БЕТ

КРЕДИТ МАБЛАҒЛАРИ НЕГА ЎЗ  
ВАҚТИДА ҚАЙТАРИЛМАЯПТИ? 7-БЕТ



ШИФОКОРГА

## ОЗОР БЕРМА!

БУГУН кимлардир ўзича “мард” кетиб шифокорларга қўл кўтараяпти. Уларга озор бериб, жароҳат етказаяпти. Бундай ҳолатнинг сўнггиси бир ҳафта аввал (агар шу орада яна уриб улгуришмаган бўлса) Наманган шаҳридаги 10-оилавий поликлиникада содир бўлди. “Енгилмас” юрдошимизнинг шифокорни дўппослаётган видеолавласи нафақат ўзимизда, узоқ-яқин кўшнилари томонда ҳам оёқлади. Кўпчилик уни “мароқ” билан томоша қилди. Ҳатто ўша зўравоннинг ўзига, тарбия берган ота-онасига “раҳматлар” айтишди.

7-БЕТ

Оғриқ



“САМОСУД”:  
БИЗГА НИМА БЎЛДИ, ОДАМЛАР?!

5-БЕТ



“Ишонч телефони” га келиб  
тушаётган мурожаатларга жавоблар

1008

8-БЕТ

Ҳавотир

ТАБИАТ  
биздан ўч  
олмоқда...ми?

4-БЕТ



ТАДБИРКОР  
СОЛИҚ  
ИДОРАСИДАН  
НОРОЗИЛИГИНИ  
БИЛДИРДИ

ЯККА тартибдаги тадбиркор Р.Ақбаровнинг Янгиқўрғон туман давлат солиқ инспекцияси томонидан ҳисобланган 7 миллион сўмга яқин солиқ қарздорлигидан норози бўлиб, Адлия вазирлигига “pt.gov.uz” портали орқали йўллаган мурожаати Наманган вилоят адлия бошқармаси томонидан ўрганилди.

3-БЕТ



# ПРЕЗИДЕНТЛИК САЙЛОВИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

## НОМЗОДГА ҚЎЙЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти беш йил муддатга сайланади. Айна бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти бўлиши мумкин эмас.

Ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши билладиган, бевосита сайловгача камида ўн йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган фуқаро Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланиши мумкин.

Қуйидагилар:

- қасддан содир этилган жинояти учун илгари судланган фуқаролар;
- диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинмайди.

## НОМЗОДЛАР КЎРСАТИШ ҲУҚУҚИ

Сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида тўрт ой олдин Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган тақдирда-

гина Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиши мумкин.

## НОМЗОДЛАР КЎРСАТИШ ТАРТИБИ

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш сайловга олти беш кун қолганида бошланади ва қирқ беш кун қолганида тугайди.

Президентликка номзодлар кўрсатиш сиёсий партияларнинг юқори органлари томонидан амалга оширилади.

Сиёсий партиянинг юқори органи Ўзбекистон Республикаси Президентлигига битта номзод кўрсатиши мумкин.

Сиёсий партия Президентликка фақат ўз партияси аъзолари орасидан ёки партияси зини номзод этиб кўрсатишга ваколатлидир. Президентликка номзод кўрсатилганлиги тўғрисида баённома тузилади.

Сиёсий партиянинг раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни рўйхатга олишни илтимос қилиб Марказий сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этади. Аризага қуйидагилар илова қилинади:

- сиёсий партия юқори органининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги қарори;
- сиёсий партия юқори органи мажлисининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги баённомаси, унда Президентликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, касби, лавозими (машғулотининг тури), иш ва яшаш жойи, партиявийлиги кўрсатилади;
- Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ўз номзоди овозга қўйилишига рози эканлиги тўғрисидаги аризаси;
- Президентликка кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватловчи имзо варақалари. Сиёсий партия томонидан тақдим этилган имзо варақаларида Ўзбекистон Республикаси жами сайловчилари умумий сонининг камида бир фоизининг имзоси

бўлиши керак. Бунда сиёсий партия битта маъмурий-ҳудудий тузилмада (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳри) имзолар умумий сонининг кўпи билан саккиз фоизини тўплаши мумкин.

Ҳужжатларни тақдим этган шахсга Марказий сайлов комиссияси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана ва вақт кўрсатилган маълумотнома беради.

Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни беш кунлик муддат ичида текшириб чиқади ва уларнинг ушбу Кодекс талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради.

Марказий сайлов комиссияси рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларда аниқланган номувофиқликлар ва сайлов кодекси талабларидан четга чиқиш ҳоллари тўғрисида тегишли сиёсий партияларнинг раҳбарларига маълум қилади. Сиёсий партия ҳужжатлардаги аниқланган номувофиқликлар ва хатоларни икки кунлик муддатда тузатишга ҳамда уларни Марказий сайлов комиссиясига тақдим

этишга ҳақли.


Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш учун ҳужжатларни қабул қилишни рўйхатга олиш муддати тугалланишига етти кун қолганида якунлайди.

## ПРЕЗИДЕНТЛИК ЛАВОЗИМИГА КИРИШИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови натижалари расмий равишда эълон қилинган кундан эътиборан кечи билан икки ой ичида Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида қасамёд қилган пайтдан эътиборан ўз лавозимига киришади.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз ваколатларини янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимга киришунига қадар бажаради.

**Шакарбой ҒАЙИБНАЗАРОВ,**  
“Адолат” миллий ҳуқуқий  
ахборот маркази масъул  
ҳодими



# ДУНЁ ҚОНУНЧИЛИГИДА САЙЛОВ СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР: ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ

СўНГГИ йилларда мамлакатимизда сайловларнинг умум эътироф этилган халқаро тамойилларга мослиги ва фуқаролар хоҳиш-иродасини эркин ифода этиши ҳамда ҳар бир инсоннинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига эркин сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини таъминлайдиган сайлов қонунчилиги такомиллаштирилмоқда.

Шунингдек, сайлов қонунчилигини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун амалдаги қонунчиликдаги жавобгарлик чоралари қатъий белгилаб қўйилиши сайлов эркинлиги принципи янада тўлиқроқ амалга оширилишига, сайлов тизимининг янада демократлаштирилишига, сайловнинг очиқ ҳамда ошкоралиги тамойилларининг мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда.

Қайд этиш лозимки, сайлов соҳасидаги жавобгарлик масалалари Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларида, Сайлов кодексида ҳамда Марказий сайлов комиссиясининг “Сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш тўғрисида”ги қарори билан мустаҳкамланди.

Бундан ташқари, қонунчиликда сайлов соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги тўғрисидаги баённома прокуратура ва ички ишлар органлари ҳамда сайлов комиссияларининг ваколатли мансабдор шахслари томонидан тузилиши ва мазкур ишлар жиноят ишлари бўйича судлар томонидан кўриб чиқилиши белгиланди.

Бу борадаги хориж тажрибасини, яъни чет эл қонунчилигида қандай нормалар белгиланганлигини қуйида қиёсий-ҳуқуқий таҳлил орқали кўриб чиқишимиз мумкин.

**Хитой Халқ Республикасининг** “Бутунхитой халқ вакиллари ва турли даражадаги маҳаллий халқлар конгрессларига сайловлар тўғрисида”ги Қонунининг 55-моддасига кўра, сайловчилар ва депутатлар сайлов ҳуқуқи ва сайланиш ҳуқуқидан эркин фойдаланишини таъминлаш мақсадида қуйидаги ҳуқуқбузарликлардан бири мавжуд бўлганда, тегишли тартибда маъмурий жазолардан бири қўлланилади:

1. сайловчиларга ёки депутатларга пул бериш ёки бошқа моддий йўл билан пора бериш йўли билан сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини эркин амалга оширишга тўсқинлик қилиш;
2. сайловчиларга ёки депутатларга зўравонлик, таҳдид, шантаж ва бошқа ноқонуний ҳаракатлар орқали сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини эркин амалга оширишга тўсқинлик қилиш;
3. сайлов ҳужжатларини сохталаштириш, бюллетенлар сони ёки бошқа ноқонуний хатти-ҳаракатлар тўғрисида нотўғри маълумотлар бериш;
4. босим ўтказиш, сайлов пайтида ноқонуний ҳаракатларда айбловлар ёки айбловлар берган шахсларга ёки депутатни қақриб олишни талаб қилган шахсларга нисбатан қасос олиш.

**Россия Федерацияси** жиноят қонунчилигида кўра, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари ва уларнинг референдумда қатнашиш ҳуқуқларини ижтимоий хавфли тарзда бузганлик, сайлов ва референдум ўтказишни ташкил этиш ва ўтказишда қонун билан ҳимояланган жамоатчилик муносабатларига катта зарар етказганлик учун жиноий жавобгарлик юзага келади.

Федерация Жиноят кодексида сайлов ҳуқуқларини амалга оширишга ёки сайлов комиссияларининг ишига тўсқинлик қилиш, сайлов кампаниясини молиялаштириш тартибини бузиш, сайлов ҳужжатлари ва овоз бериш натижаларини сохталаштириш жиноятлари белгиланган.

**Германия** жиноят қонунчилигида кўра, сайлов ўтказилиши ёки сайлов натижаларини аниқлашга тўсқинлик қилиш, сайлов ҳужжатлари ва овоз бериш натижаларини сохталаштириш жиноят деб кўрсатиб ўтилган.

Айниқса, ушбу давлат сайлови соҳасидаги ўзига хос жиноий хатти-ҳаракатлардан бири “сайловчини сотиб олиш” ҳисобланиб, унга кўра бир шахс томонидан ўзга бир шахсга сайлов ҳуқуқини амалга оширмаслиги эвазига софга ёки бошқа мукофотлар таклиф этилади, ваъда қилинади ёки тақдим этилади.

**Беларусь Республикаси** маъмурий


ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги қонунчилигида кўра, давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайловлар куни тарғибот-ташвиқотлар ўтказилиши маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида кўрсатиб ўтилган.

**Озарбайжон Республикаси** жиноят қонунчилигида кўра, сайловолди оммавий тадбирларни ўтказишга тўсқинлик қилиш, бошқалар ўрнига сайловларда овоз бериш учун шароит яратиш жиноят деб топилди.

**Арманистон Республикаси** Жиноят кодексида сайлов соҳасида бир нечта жиноят турлари кўрсатиб ўтилган бўлиб, шундан ёлгон маълумот бериш, қалбаки ҳужжатни тақдим этиш ёки бошқа йўл билан бир неча марта ёки бошқа одамга овоз бериш ҳам жиноят сифатида кўрсатиб ўтилган.

Ушбу кодексда сайловчилар рўйхатини тузиш учун масъул мансабдор шахс томонидан сайловчилар рўйхатини тузиш тартибини бузиш орқали қалбакилаштириш ҳаракатларини содир этиш жиноят деб кўрсатилган.

**Дилдора БАЗАРОВА,**  
Тошкент давлат юридик университети  
кафедра мудири, юридик фанлар  
номзоди



**ЯККА тартибдаги тадбиркор Р.Ақбаровнинг Янгиқўрғон туман давлат солиқ инспекцияси томонидан ҳисобланган 7 миллион сўмга яқин солиқ қарздорлигидан норози бўлиб, Адлия вазирлигига "pm.gov.uz" портали орқали йўллаган мурожаати Наманган вилоят адлия бошқармаси томонидан ўрганилди.**

Ўрганиш жараёнида маълум бўлишича, тадбиркор Р.Ақбаров 2014 йил 21 сентябрда "Озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари билан чакана савдо қилиш" фаолият тури бўйича якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтиб, 2014 йил 31 декабрда ўз фаолиятини вақтинчалик тўхтатган.

Шунингдек, вилоят давлат солиқ бошқармаси томонидан 2021 йил 8 июнда тақдим этилган хатда 2014-2015 йилларда якка тартибдаги тадбиркор Р.Ақбаров томонидан тадбиркорлик фаолияти бир неча марта тўхтатилиб, қайта тикланганлиги ва фаолият турлари ўзгартирилганлиги, 2018 йил 5 июлда "Миллий ширинликлар, қурт ва пишлоқ маҳсулотлари, нон, қандолатчилик маҳсулотлари тайёрлаш ва сотиш" тури бўйича давлат рўйхатидан ўтиб, амал қилиш муддати 2021 йил 31 июлгача бўлган гувоҳнома олганлиги, ушбу фаолияти 2019 йил 21 февралги кун вақтинча тўхтатилиб, 2019 йил 1 ноябрдан қайта давом эттирилган ва 2020 йил 30 сентябрда яна вақтинча тўхтатилган.

У 2021 йил 1 мартдан фаолият турини "Қадоқлаш ускуналаридан фойдаланмаган ҳолда уй шароитида миллий ширинликлар, қандолат маҳсулотлари, қуртни тайёрлаш ва сотиш" турига ўзгартириб, қайта рўйхатдан ўтган ҳамда амал қилиш муддати 2024 йил 31 мартгача бўлган гувоҳнома олиб, ҳозирда ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Тақдим этилган ҳужжатлардан маълум бўлишича, Наманган вилоят давлат солиқ бошқармаси ички аудит бўлими томонидан 2020 йил октябрь ойида туман ДСИда ўтказилган ялпи тафтиш давомида ўз фаолиятини вақтинча тўхтатган тадбиркорлик субъектлари фаолияти ўрганилган.

Ўтказилган ўрганиш жараёнида якка тартибдаги тадбиркорлар ўз фаолиятини вақтинча тўхтатган даврларида тадбиркорлик учун фойдаланишга ўрнатилган электр ҳисоблагич орқали ҳисобдан ўтган электр истеъмоли ва электр энергиясидан ҳақиқатда фойдаланилганлиги ҳолати юзасидан солиштирма таҳлил ўтказилган ҳамда айрим тадбиркорлар учун белгиланган тартибда

қатъий даромад солиғи ва ижтимоий (суғурта бадали) тўловлар ҳисоблаши лозим деб топилган.

Хусусан, якка тартибдаги тадбиркор Р.Ақбаров тадбиркорлик фаолиятини 2015 йил 28 февралда вақтинча тўхтатган бўлса-да, 2018 йил январь-июнь ойларида жами 813 кВт миқдорда, 2019 йил 29 апрелда фаолиятни вақтинча тўхтатган бўлса-да, 2019 йил май ойидан октябрь ойига қадар жами 1 минг 576 кВт электр энергияси истеъмоли аниқланган.

Шунга кўра, тадбиркорга қатъий белгиланган даромад солиғи ижтимоий (суғурта бадали) тўлов учун умумий ҳисобда 6 миллион 581 минг 618 сўм солиқ қарздорлиги мавжудлиги кўрсатилган.

Мурожаатда кўрсатилган масала адлия бошқармасининг амалий ёрдами билан асословчи ҳужжатларга аниқлик киритиш орқали ижобий ҳал этилди ҳамда якка тартибдаги тадбиркорга кўшимча ҳисобланган солиқлар ҳисобдан чиқарилди.

**Улуғбек ИСМАТИЛЛАЕВ,**  
Наманган вилоят адлия бошқармаси бошлиғи биринчи ўринбосари



БУХОРО

## Ғайриқонуний жарима БЕКОР ҚИЛИНДИ

ЕР қаридан фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш фаолияти билан шуғулланувчи Когон туманидаги "Zolotoy rodnik plus" масъулияти чекланган жамиятининг Бухоро вилоят давлат солиқ бошқармаси ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан вилоят адлия бошқармасига қилган мурожаати ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, солиқ бошқармасининг тегишли буйруғига асосан "Zolotoy rodnik plus" МЧЖнинг 2019 йил январь ойидан 2020 йил август ойига қадар бўлган фаолияти юзасидан қўшилган қиймат солиғи, ер қаридида қазилмалардан фойдаланганлиги учун солиқларнинг тўғри ҳисобланиши ва бюджетга тўланиши бўйича 2020 йил 13 октябрдан 17 ноябргача камерал солиқ текшируви ўтказилиб, текшириш хулосасига кўра, МЧЖга 561 миллион 250 минг 351 сўм қўшимча қиймат солиғи ҳамда 407 миллион 589 минг 748 сўм молиявий жарима ғайриқонуний ҳисобланган.

Мурожаатни батафсил ўрганиш давомида солиқ бошқармаси ходимлари томонидан МЧЖда камерал солиқ текши-

рувини расмийлаштириш бўйича Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 29 майда рўйхатдан ўтказилган "Камерал солиқ текширувини ўтказиш тўғрисида"ги Низом, 2021 йилдан бошлаб эса Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 7 январдаги 1-сонли қарори билан тасдиқланган "Солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низом талабларига риоя қилинмасдан солиқ қарздорлиги ва молиявий жарима ҳисобланиб, қарор қабул қилинганлиги маълум бўлди.

Шунга кўра, адлия бошқармаси томонидан тадбиркор манфаатида Бухоро туманлараро маъмурий судига мансабдор шахснинг хатти-ҳаракатлари усти-



дан ариза киритилиб, суднинг тегишли қарорига кўра, Бухоро вилоят ДСБ мансабдор шахсларининг "Zolotoy rodnik plus" МЧЖга 561 миллион сўмдан ортиқ солиқ ва 407 миллион сўмдан ортиқ молиявий жарима ҳисоблашдаги хатти-ҳаракати ғайриқонуний деб топилди ва вилоят ДСБнинг 2021 йил 8 апрелдаги камерал солиқ текширувида аниқланган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги материалларни кўриб чиқиш натижалари ҳақидаги қарори ҳақиқий эмас, деб топилди.

**Туйғун АЗИМОВ,**  
Бухоро вилоят адлия бошқармаси масъул ходими



ТОШКЕНТ

**ФУҚАРО Д.И. Шайхонтоҳур туман адлия бўлимига мурожаат қилиб, бир неча йилдан буён пенсия жамғармаси томонидан иш стажи тўлиқ инobatга олинмаганлиги сабабли, унга пенсия тайинланмаётганлигидан эътироз билдирган.**

## ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИ ПЕНСИЯ ТАЙИНЛАШДА НИМАНИ ИНОБАТГА ОЛМАДИ?

Ўзбекистон Республикаси "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонунининг 12-моддасига кўра, умумий белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқи белгиланган бўлиб, бунда охириги иш жойидан қатъи назар болалиқдан ногирон фарзандларнинг оналари ушбу Қонуннинг 7-моддасида белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Аниқланишича, фуқаро Д.И. мазкур қонун талабига асосан 2019 йилда пенсия тайинлаш бўйича мурожаат қилган.

Пенсия жамғармаси Шайхонтоҳур туман бўлими томонидан фуқаро Д.И.га пенсия тайинлаш рад этилиб, бўлимнинг 2021 йил 6 апрелдаги қарорига асосан 1989-1990, 1996-1998, 2001-2004 йилгача 46-сонли умумтаълим мактабда ишлаган даври учун, ойлик иш ҳақи ва ундан ушланган суғурта бадаллари тўғрисидаги маълумотномалар тақдим этилмаганлиги сабабли ушбу даврларни умумий стаж ҳисобига киритмаслик ҳақида қарор қабул қилган.

Юқоридагиларга асосан, туман адлия бўлими томонидан фуқаро Д.И.нинг меҳнат фаолияти 1984 йил 7 декабрда бошланганлиги, меҳнат дафтарчасида қайд қилинган барча фаолият даврлари, жумладан, 1989-1990 йилларда мактабда ишлаган даври ҳамда 1992 йил 22 февралда туғилган болалиқдан ногирон фарзандига қараб турган даври ҳам инobatга олиниб, шунингдек, меҳнат фаолиятини 2021 йил апрель ойига қадар давом эттирилганлигини ҳисобга олиб, пенсия ишини қайта кўриб чиқишни сураб тегишли хат киритилди.

Натижада фуқаро Д.И.га жорий йилнинг июнь ойидан 25 йил 1 ой иш стажи билан пенсия тайинланиши таъминланди.

**Фарҳод АКБАРОВ,**  
Шайхонтоҳур туман адлия бўлими бошлиғи



ЖИЗЗАХ

ҲУКУМАТ қарори билан хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича вақтинчалик тартиб жорий қилинган бўлиб, унга кўра, "Аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизлар тоифалари ҳамда уларга ёрдам кўрсатиш тартиби ва муддатлари белгиланган.

## "АЁЛЛАР ДАФТАРИ"ГА КИРГАН ФУҚАРОГА КРЕДИТ АЖРАТИЛДИ

Жиззах вилоятининг Янгиобод туманида "Аёллар дафтари"га жами 289 нафар хотин-қиз киритилган бўлиб, шундан 19 нафари ҳуқуқий ёрдам олишга муҳтож.

Туман доирасида "Аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизларни кундалик ҳаётда қийнаб келаётган турли соҳалардаги муаммоларни аниқлаш ва уларга ҳуқуқий счим топиш мақсадида адлия бўлимининг сайёр қабуллари ташкил этилмоқда.

Яқинда ўтказилган ана шундай сайёр учрашувларнинг бирида "Аёллар дафтари"га кирган фуқароларнинг муаммоси ҳал этилди. Тумандаги "Хўжа-

мушкент" кишлоқ фуқаролар йиғини "Оби-ҳаёт" кўчаси, 13-уйда яшовчи фуқаро Жамила Аҳмедова ҳам оилавий аҳволини яхшилаш мақсадида "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури асосида кредит олиш тартиби юзасидан ҳуқуқий маслаҳат сураб, туман адлия бўлимига оғзаки мурожаат қилган эди. Адлия бўлими томонидан фуқаро Ж.Аҳмедовага ҳуқуқий маслаҳат берилиб, 15 кун ичида "Халқ банки" Зомин туман филиалидан 24 миллион сўм кредит ажратилишида амалий ёрдам кўрсатилди.

**Жаҳонгир АБДУХОЛИҚОВ,**  
Янгиобод туман адлия бўлими бош маслаҳатчиси



ТОШКЕНТ

## "Наширбой ота" манфаати судда устун келди

Жумладан, Окқўрғон туманида фаолият юритувчи "Наширбой ота" фермер хўжалиги раҳбари А. Абдашимов вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилиб, "Окқўрғон агрокимё таъминот" масъулияти чекланган жамияти билан минерал ўғит учун тузилган шартнома шартлари тўлиқ бажарилмаётганлигидан шикоят қилган.

Хусусан, фермер хўжалиги ва ташкилот ўртасида тузилган шартномага мувофиқ 17 миллион 712 минг 299 сўм миқдорда дебитор қарздорлиги юзага келиб, ушбу қарздорлик "Окқўрғон агрокимё таъминот" МЧЖ томонидан тўлаб берилмаётганлиги сабабли ундан қарздорликни ундиришда амалий ёрдам сураган.

Адлия бошқармаси томонидан "Наширбой ота" фермер хўжалиги раҳбари А. Абдашимовнинг мурожаатида келтирилган важлар атрофлича ўрганилиб, Куйичирчиқ туманлараро иқтисодий судига жавобгар "Окқўрғон агрокимё таъминот" МЧЖдан "Наширбой ота" фермер хўжалиги манфаатида шартнома шартлари бўйича тўланмай қолган 17 миллиондан ортиқ сўм миқдордаги пулни ундириш юзасидан даъво аризаси киритилди ва суд томонидан "Наширбой ота" фермер хўжалиги манфаатида даъво аризаси қаноатлантирилди.

**Хусан РАВШАНОВ,**  
Тошкент вилояти адлия бошқармаси масъул ходими

АДЛИЯ вазирлигининг "Фермерга мадад" ҳуқуқий акцияси доирасида Тошкент вилояти адлия бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан фермерларнинг муаммоларини аниқлаш, уларни бартараф этиш бўйича амалий ишлар давом эттирилмоқда.

# ТАБИАТ биздан ўч олмоқда...ми?

**ИҚЛИМ ўзгармоқдами?**  
Аслида иқлим ҳамisha ўзгариб турган ва бу табиий жараён сифатида қабул қилинади. Аммо охири асрда юз бераётган аксарият иқлим ўзгаришлари табиий омиллар таъсирида эмас, инсонларнинг табиатга етказган зарарлари оқибатида юз бермоқда. Баъзан ўйлаб қоласан киши, кейинги пайтларда юз бераётган табиий офатлар бизнинг табиатга муносабатимизга қайтарилган одилонга жавоб эмасмикан?!

Кейинги кунларда Ер шарида бўлаётган фалокатларни санаб адоғига етиб бўлмаяпти. Европадаги сув тошқинлари, Туркиядаги ўрмон ёнғинлари, Африканинг жанубидаги, Бразилиядаги совуқ об-ҳаво каби иқлим инжиқликлари кун сайин авж олмоқда.

## Озон қатлами емирилмоқда Ердаги тириклик хавф остида...



Масалан, Канаданинг Британия Колумбияси провинциясида аномал иссиқлик туфайли ўрмон ёнғинлари келиб чиққан. Ёнғинни ўчиришга 3 мингдан ортиқ одам, авиация ва махсус техника жалб қилинган. Ёнғин майдони 79 минг гектардан ошиб, 1,3 мингдан зиёд аҳолини эвакуация қилиш бўйича кўрсатма берилган. 29 июнь куни Литтон шаҳарчасида ҳаво ҳарорати 49,6 даражага кўтарилиб, ҳудудда 1937 йилдан кейинги рекорд кўрсаткичи қайд этилган. Аномал иссиқ об-ҳаво туфайли 500 га яқин одам вафот этган.

Кутилмаганда 28 июль куни Бразилияга совуқ ҳарорат кириб келиб, Санта-Катрина штатининг 10 дан ортиқ шаҳри қор билан қопланди. Кимберли шаҳри ва унинг атрофида ҳарорат минус 9,9 даражани ташкил этган. Бу ЖАРдаги метеорологик кузатувлар тарихидаги энг паст ҳарорат ҳисобланади.

Дунё иқлимшунослари об-ҳаво инжиқликлари кўпайиб боришининг асосий омили улкан музликларнинг эриш суръати ниҳоятда тезлашгани деб таъкидламоқда. Глобал иссиқ нафақат қурғоқчилик, денгиз сатҳининг кўтарилиши, ҳаттоки, нархларнинг ошишига олиб келиши мумкин.

Экспертларнинг оғоҳлантиришига кўра, дунё океани сатҳи кўтарилиши нотабиий равишда ҳароратнинг бирданига кўтарилиб кетишига сабаб бўлиши мумкин. Жумладан, Ер юзидан

ёнғингарчилик миқдори ошиб, қитъалар ичкарасида қурғоқчилик юз беришига олиб келса, денгиз сатҳининг кўтарилиши сув тошқинларини келтириб чиқаради.

Аномал ёмғирлар бутун Европийда сув тошқинларини юзага келтирди. Бельгияда июль ойида юз берган тошқинлар сабаб 10 миллиард евродан кўпроқ зарар кўрилган. Натижада 18 киши бедарак йўқолган, 10 мингдан кўпроқ уйга зарар етган.

Ғарбий Германияда ҳам минглаб одамлар сув тошқинлари сабаб уйларини тарк этди. Табиий офатнинг асосий зарбаси Германиянинг ғарбий ҳудудларига тўғри келди.

Баъзан инсонларнинг эътиборсизлиги ва эҳтиётсизлиги оқибатида ўрмонлар, яйловларда келиб чиқаётган ёнғинлар ҳайвонот ва наботот оламининг бутунлай йўқ бўлиб кетишига ҳам сабабчи бўлмоқда. АҚШ ғарбида ҳам вайронкор ўрмон ёнғинлари тўхтамаяпти. Шимолий Калифорнияда уч ҳафтадан буён давом этаётган "Dixie" ёнғини туфайли минглаб аҳоли эвакуация қилинмоқда. Ёнғин 12 та штат ҳудудини қамраб олди. Мамлакатда жами 85 та ёнғин ўчоғи қайд этилган. Ўт ўчирувчилар уларнинг ярмини назорат остига олган. Ёнғинларга аномал жазирама иссиқ ва қурғоқчилик сабаб бўлган.

Туркиянинг Анталия вилояти кучли ёнғин остида қолди. Уй-

лар, қишлоқ хўжалиги техникаси, ҳайвонлар ҳам ёниб кетган. Олов шу даражада яқин келганидан меҳмонхоналарда эвакуация ишлари олиб борилмоқда. Баъзи маҳаллаларда аҳоли хавфсиз жойга кўчирилган.

Греция ҳам олов қуршовида қолган. Ўт ўчирувчилар Афина шимоли ва Ахаия ҳудудида ёнғинлар билан олишмоқда. Хабар қилинишича, Елекистра ва Соулида камида олтига уй куйиб, кул бўлган. Ушбу ҳудуддаги тўққизта қишлоқ аҳолиси эвакуацияга тайёр туриш тўғрисида оғоҳлантирилган. Икки киши жабрланган.

Ўрмон ёнғинлари билан боғлиқ энг мураккаб вазиятлардан бири Ёқутистонда кузатилмоқда. Бу ерда июнь охирида фавқуллодда вазият режими жорий этилган эди. Республикада 1,5 миллион гектардан ортиқ ўрмон ёнмоқда. Ёқутистон ҳудудида 200 дан зиёд ёнғин ўчоғи қайд этилган. Мутахассислар бу давлат ҳудудида ҳарорат доим паст даражада бўлиб келганини таъкидлаб, аҳоли бундай ўзгаришларга тайёр эмаслигини айтишмоқда.

Ҳозирда Магадан, Чукотка, Камчатка ҳам олов исканжасида қолган. Экспертлар ёнғинлар Марказий Сибирга етиб келиши мумкин, деб ҳисобламоқда. Аслида эса, шу кунгача Сибир ҳудудлари ҳам дунёнинг энг ҳарорати паст, иқлими меъёрида турадиган регион ҳисобланар эди.

Бу каби ёнғинлар бизни

ҳам четлаб ўтмади. Ижтимоий тармоқларда Зомин тоғларида содир бўлган ёнғин тўғрисида видео хабар тарқалди. 1 август куни соат 10:40 ларда Зомин туманида рўй берган ёнғин соат 18:20 ларда бартараф этилди. Ёнғин натижасида 80 гектар майдонда қуруқ ўтлар, дарахтлар ёнган. Ёнғинни бартараф этишга 14 та ёнғин ўчириш экипажи, 1 та ёнғин қутқарув отряди, 4 та вертолёт жалб этилган.

Иқлимшунослар инсониятни 2035 йилга бориб, Арктика музликлари бутунлай эриб кетишидан оғоҳлантирмоқда. Иқлим ўзгаришининг асосий сабаби Ер юзасидан чиқадиган узун тўлқинли радиацияни ютиб, атмосферада иссиқхона эффекти ҳосил қилаётган газлардир. Шу тоифага кирувчи газлар "Иссиқхона газлари" деб аталади. Атмосферага чиқарилаётган карбонад ангидрид, метан ва бошқа бир қатор газларни асосан саноат корхоналари, кўмирда ишловчи электростанциялар, машина ва ҳаво кемаларида ишлатиладиган ёқилғи келтириб чиқаради. Бу газларнинг атмосферадаги ҳажми тобора кўпайиб бораётгани Ер юзи иқлимнинг иссиқлиги сабаб бўлмоқда. Дунё олимларининг таъкидлашича, ҳар йили ўрмонлар ёнғини оқибатида 2 миллион тоннадан ортиқ органик модда йўқ бўлиб кетар экан.

Шу ўринда мавзуга оид бир қизиқ маълумот — озон қатлами кун сайин емирилиб

бораётганидан хабардоримиз.

Ер шарининг ҳимоя қалқони бўлган озон қатлами бизни қуёшдан келадиган хавфли ультратинафша нурларидан асрайди. Чўлланиш, аҳоли орасида турли хил касалликларнинг келиб чиқиши, глобал иссиқ жараёнлари ҳам озон тўйнуғидан сизиб келаётган зарарли нурлар оқибатидир.

Кун сайин емирилиб бораётганига қарамай, саноат ривожига етарлича хизмат қилаётган табиий манба бўлган озон қатлами қайта тикланадими? Озон қатламида пайдо бўлаётган тўйнуқлар орқали Ер юзига тушаётган хавфли иссиқ оқим онкологик касалликлар, тери саратонини келтириб чиқаради, кўзларимиз учун ҳам ниҳоятда зарарли. Дарахтларнинг қанча парвариш қилинса ҳам қуриб қолиши қуёшдан тушаётган зарарли нурлар таъсиридан дунё.

Ён-атрофимизда, дунёда юз бераётган воқеаларга бефарқ бўлаверсак, табиатга бешафқатлик қилаверсак, фарзандларимизга нимани мерос қилиб қолдирамиз?! Юқоридаги каби ҳолатлар бир эмас, бир неча мартала бўлаётгани, дунёнинг тўрт бурчида ҳам юз бераётгани худди Она табиат, Ер бизга сигнал бераётгандек, қаттиқ, оқибати оғир кўнгилсизликлардан оғоҳ этаётгандек гўё.

**Мадина ҲАМДАМОВА,**  
"Инсон ва қонун" мухбири

**ИНСОН ҲАМ  
ҚУТУРАДИМИ?**

**ҚУТУРИШ** деган ибора ёки таққос аслида ҳайвонларга нисбатан ишлатиларди. Бу иборани инсонга нисбатан ишлатишни асло истамасдик! Афсуски...

Биз нега “қутурдик”? Нега қуюшқондан чиқаямиз? Нега ўз қавмимизни калтаклашдан ҳузур қилаямиз? Нега қилган хатоси учун кимларнингдир сочини юлишдан тап тортмаямиз?! Нега шармандаликдан уялмайдиган, хунрезликдан қайтмайдиган, ваҳшийликдан роҳат қиладиган даражага етдик? Бизга нима бўлди, одамлар?

**“САМОСУД” ДЕГАН СЎЗ  
БИЗГА БЕГОНА ЭДИ...**

Авваллари самосуд деган ибора унча тилга олинмасди. Лугатдаги бу сўзга эҳтижimiz йўқ эди. Аммо кейинги йилларда бу сўзга тез-тез дуч келаямиз.

“Самосуд” — “ўзича судлаш” деганда ҳуқуқбузарлик содир этган ёки уни содир этишда гумон қилинган шахс ҳақида тегишли давлат органига хабар қилмасдан, уни ўзбошимчалик билан қонунга хилоф равишда жазолаш тушунилади.

Юртимизда ўзбошимчалик билан суд қилиш орқали фуқароларни жазолаш қонун билан тақиқланган бўлишига қарамадан, ижтимоий тармоқларда тарқалаётган ҳолатлар инсоний қиёфамизнинг нақадар йўқолиб бораётганини исботлаб турибди.

Нима эмиш, сувда чўмилганмиш, ичадиган сувни ифлослантганмиш... Алҳазар! Аёлни шунинг учун дўппослаш, калтаклаш ақлсизлик ёки тубанликдан бошқа нарса эмас. Умуман, қонунларимиз турганда одамларнинг қонунни менсимасдан ўзбошимчалик билан адолат ўрнатаман, деб жиноят содир қилаётганлигига нега йўл қўйилмоқда? Нега бундай хунук манзаралар кўпайиб кетди?

Ижтимоий тармоқларни қузатсангиз, кўзига қон тўлган айрим одамларнинг ваҳшиёна ҳаракатларига, кишини даҳшатга соладиган лавҳаларга кўзингиз тушади. Самосуд қилинаётганларнинг аксарияти, албатта, аёллар, хотин-қизлар.

Масалан, ахлоқсизликда айбланаётган ўзбек қизларига тўппонча ўқталиб, сочларини кесиб ташлаган йигитнинг қилимиши ҳам шармандалик тубанлик, ўзбошимчалик, ваҳшийлик билан жавоб беришдан бошқа нарса эмас! Ёки Урганчда ўғирлик устида ушланган ёш аёлни аямасдан бири қўйиб, бири ураётган эркак ва аёлнинг зарбаларига бардош бера олмаганидан “ҳомиладорман, раҳмингиз келсин” деб зорланиши уларни баттар қутуртиради. “Ўзингга ўхшаган ўғрини туғмоқчимисан?” деб бегуноҳ гўдакнинг увологи қолишдан ҳам кўркмасдан уни баттар калтаклашади.

Сурхондарёда эрининг иккинчи хотинига йўлбарсдек ташланган биринчи хотиннинг вазоҳатидан ҳар қандай одам даҳшатга тушади. Бировнинг бахтига чанг солиб, иккита фарзанд орттириб олган иккинчи хотиннинг аҳволига вой. Унинг сочини кесиш, юзини юлиш, хуморидан чиққунча уриш билан аламзада аёл гўёки субутсиз эри ва ноқонуний хотиндан ўч олгандек бўлаяпти. Қанчалик аянчли манзаралар...

Яна бир видеолавҳада бутун

оломон аёллар тўдаси бир аёлнинг кийимларини ечиб, шунчалик дўппослаб самосуд қилишяптики, бечора аёл уларнинг қўлидан аранг кочиб, қутулиб, ўзини анҳорга ташлаяпти. Бу даҳшатли ва ваҳшийлик манзарасини кўриб турган ёш болаларнинг изиллаб йиғлашлари, тўрт томонга югуришлари, бу ваҳшийлик сахнасидан олган руҳий зарбалари ҳақида ҳеч ким ўйлаб ҳам кўрмайпти.

**УЧ ЁШЛИ БОЛАНИНГ  
ЖИНОЯТГА МОЙИЛЛИГИ**

Бу бир қараганда галати туюладиган фикр. Аммо бунинг замирида ҳаёт ҳақиқати бор. Тошкентдаги чет эл билан ҳамкорликдаги нуфузли олий ўқув юрғларидан бирига кириш учун инглиз тилидан ёзма имтиҳон топшираётган қариндошимизга “Уч ёшли боланинг жиноятга мойиллиги” деган мавзуда ишро ёзиш топшириғи тушганди. Бу мавзунини эшитиб, биз ҳам ҳайрон бўлган эдик. Кейин “Уч ёшли боланинг жиноятга нима дахли бор?”, “Ёш бола жиноятни қаердан билади?”, “Унда жиноятга мойиллик қаердан бўлсин?!” деган саволларга жавоб топгандек бўлдик.

Чиндан ҳам чуқурроқ ўйлаб кўрсангиз, илдизини топасиз. Масалан, оилада ота-онанинг жанжали, бақир-чақир, бир-бирига қўл кўтариши, буюмларни отиб синдириши митти болақайнинг жажжи юрагига исён кўтарамиди? Унинг бошига ҳаётнинг биринчи зарбалари урилгандек бўладими? У яхши ва ёмон, оқ ва қора деган тамгаларга дуч келадими? Ойсини ноҳақдан урган отасини ёмон кўриб, ундан катта бўлсам, албатта, ўч оламан, ойимни ҳимоя қиламан, деган туйғулар билан кўчада ўйнаётган вақтда оддийгина адолатсизлик ҳам унинг юрагини яралаб ўтади, қўлчалари муштга айланамиди? Хуллас, уч ёшли боланинг жиноятга мойиллиги шу тарика пайдо бўлиб, ўз майдонини кенгайтириб бораверади...

Кўчада калтакланаётган, сочлари кесилаётган, оёқ-кўллари синдирилган, кийимлари ечиб ташланаётган қизларни, аёлларни кўриб болаларнинг юраги ёрилиб кетмаганига шукур. Бу руҳий зарбалар болалар учун катта жароҳат, умрининг охиригача ёддан чиқмайдиган кўрқинчли тушдек ваҳимали эканлиги ҳақида психологлар кўп гапирди.

Бундай хунук манзараларни болалар эмас, катталар ҳам ҳазм қилиши қийин, албатта. Бу ёвузлик ва шафқатсизликнинг ибтидосими? Бағритошлик ва тубанликнинг бир кўриниши, одамлар инсонийлик қиёфасини йўқотаётганлигининг бошланишими?

# “САМОСУД”

## БИЗГА НИМА БЎЛДИ, ОДАМЛАР?!



Жазавага тушган аёлларнинг бу ваҳшийликларини эркаклар уялмасдан томоша қилиб, видеога олиб, ижтимоий тармоқларга жойлаштираётганлиги эса кишининг баттар газабини келтиради.

Бундан уч-тўрт йил аввал содир бўлган мана бу воқеа ҳам айнан самосуд эканлиги аниқ. Тажрибали шифокор, тиббиёт фанлари номзоди, тиббиёт муассасаларидан бирига бир неча йил раҳбарлик қилган, минглаб беморларнинг ҳаётини сақлаб қолган қўли гул жарроҳнинг бепарволиги туфайли беморлардан бири оғирлашиб, ҳаётдан кўз юмди. Ҳаёт билан видолашган ёш кизнинг отаси шифокордан ўч олмас, тинчмайди деган ҳолатга тушди. “Айбдорни” тиббиёт соҳасидан бутунлай кетишини талаб қилишдан тўхтамади. Акс ҳолда ундан қасос олиши ҳақидаги таҳдидлар қатъий эди. Тажрибали шифокор пенсияга чиқишига икки йил қолганида севимли касби ва лавозими, бутун умр меҳнат қилиб топган обрў-этибори билан ана шундай аянчли тарзда ҳайрлашишга мажбур бўлди.

Шифохоналарда ўз яқинларини йўқотган одамларнинг алам билан қилаётган бу каби кескин хатти-ҳаракатлари, жанжал кўтаришлари, албатта, тарбиясизликдан, ўзбошимчиликдан бошқа нарса эмас.

Тўғри, инсон борки билиб-билмай хато қилади, гоҳида жиноят кўчасига қиради, тўғри йўлдан адашади. Аммо ҳар қандай қилмишга яраша қонунда белгиланган жазо муқаррар.

**ҚОНУНЛАРИМИЗ  
НИМА ДЕЙДИ?**

Конституциямизнинг 24-моддасига кўра, яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир, 26-моддасига кўра, жиноят

содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди.

Ҳеч ким кийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон кадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмаслиги белгиланган.

Бундан ташқари, “ўзича судлаш”, яъни қонун тили билан айтганда “ўзбошимчилик” Мамурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 200-моддаси ва Жиноят кодексининг 229-моддасига мувофиқ, фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларига, давлат манфаатлари ёки жамоат манфаатларига жиддий зарар ёки зиён келтирмаган ҳолда содир этилса, базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваригача миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, — базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Шунингдек, “ўзича судлаш” кўпинча жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасдан менсимаслик, уриш-дўппослаш Жиноят кодексининг 277-моддасига мувофиқ “безорилик” деб баҳоланиб, беш йилгача озодликдан маҳрум қилишгача бўлган жазо билан жазоланади.

Амалдаги қонунларимизда шунча нормалар бўла туриб, баъзи уюлмаган фуқароларнинг ўзбошимчилик қилиб бошқа шахсни жазолаш билан боғлиқ жиноий ҳаракатлари нимагадир қамаймастир.

Энг ачинарлиси шундаки, ўзича судлаш оқибатларидан келиб чиқиб, жазо янада оғирлашиши мумкин. Масалан, ўзича судлаш оқибатида кимнидир ўлдириб қўйса, унда қасдан ёки эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш (25 йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки умрбод озодликдан маҳрум қилишгача), тан жароҳати етказилса, қасдан баданга шикаст етказиш (2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки 1 йилдан 3 йилгача озодликни чеклаш ёхуд 3 йилгача озодликдан маҳрум қилишгача), агар ўзича судлаш хизмат вазиёсини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга нисбатан амалга оширилса, унда ҳокимият вакилига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга қаршилик кўрсатиш (3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки 2 йилдан 5 йилгача озодликни чеклаш ёки 5 йилгача озодликдан маҳрум қилишгача) деб баҳоланиши ва айбдор шахслар ана шу жиноятлар учун белгиланган жазога тортилиши мумкин.

Содир бўлаётган “самосуд”ларнинг тепасида туриб видеотасвирга олаётган, жазавага тушган ҳуқуқбузарларга куч бераётган, бу манзарага бепарво қараб, бевосита иштирокчига айланаётган лоқайд, бағритош кимсаларга ҳам қонунда жазо белгиланиши шарт, деб ўйлаймиз!

Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитнинг бузилиши одоб-ахлоқ, ор-номус чегараларини менсимасликдан, маънавий қашшоқликдан, инсоний кадриятларнинг оёқ ости қилинаётганлигидан бошланади. Инсонийлик қиёфамизни йўқотмайлик, замондошлар!

Маруса ҲОСИЛОВА,  
“Инсон ва қонун” муҳбири

# ЯНГИЛАНАЁТГАН СУД ҲАҚИДА СУДЬЯЛАР НИМА ДЕЙДИ?

СУД — замонвий демократик давлатнинг энг муҳим таркибий қисмларидан биридир. У жамият таракқиётида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. 2021 йил 28 июлда “Судлар тўғрисида”ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Унда белгиланган янги нормалар суд орқали халқимизнинг муносиб ҳаёт кечирishi, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқаришга мустаҳкам асос бўлади.

Қонунчиликка киритилаётган янгилликлар суд органлари фаолиятининг сифат жиҳатидан ўзгаришига амалий таъсир кўрсатади. Судьяларнинг шу мавзудаги фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик. Қуйидаги давра суҳбатида қонунчиликка киритилган янгилликлар, унинг мазмун-моҳияти, амалий аҳамияти ҳақида сўз боради.



**Холмўмин ЁДГОРОВ,**  
Ўзбекистон  
Республикаси Судьялар  
олий кенгаши раиси:

— Ўзбекистон суд тизимида мутлақо янги бир давр бошланди. Мамлакатимиз суд тизими тарихида илк бор халқаро стандартлар ва ривожланган демократик давлатларнинг илғор тажрибасига тўлиқ мос келадиган судьяларни танлаш ва лавозимга тайинлашнинг очик ва шаффоф тизими яратилди. Конституциявий орган бўлган — Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташкил этилди. Кенгаш судьялик лавозимига номзодларни танлаш ва тайинлашда уларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва жамиятдаги тугган ўрнидан қатъи назар, тенглик принциплари риоя қилади.

Жорий этилган судьялик лавозимига танлаш ва тайинлашнинг янги тартибига ахборот технологиялари татбиқ этилиши натижасида инсон омили кескин чекланди. Танлов жараёни очикланиб, уни онлайн тарзда кузатиб бориш имконияти яратилди.

Суд-ҳуқуқ ислохотларининг ҳозирги босқичида “Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон алоҳида ўрин тутади. Янги таҳрирдаги Қонунда ҳам Фармондан келиб чиқадиган қатор ўзгариш ва қўшимчалар ўз аксини топган.

Мазкур Қонунда судьянинг дахлсизлигини таъминлашга оид нормалар кенг ўрин олгани билан аҳамиятлидир. Бунда тегишли малака ҳайъати розилигисиз судьялар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга гувоҳ ёки гумон қилинувчи сифатида сўрок қилиш учун чақиринишга йўл қўйилмаслиги алоҳида банд сифатида қайд этилди. Шунингдек, судьялар дахлсизлигини бузганлик ва уларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашганлик ҳолати бўйича Судьялар олий кенгаши раисининг про-

кураатура органларига тақдимнома киритиш ваколати ҳамда унга жавоб бериш муддати ҳам ўз ифодасини топган. Судьялик лавозимида бўлишнинг ёши, Олий суд судьялигига номзодларга қўйиладиган янги тартиб ва талаблар хусусида ҳам шундай дейиш мумкин.

Судьялик фаолиятини тўлақонли амалга оширишда муҳим аҳамият касб этадиган бир нечта ижтимоий омил бор. Судьянинг ўзи фаолият юритаётган ҳудудда яшаши учун уй-жой билан таъминланиши масаласи бунга амалий мисол бўлади. Янги таҳрирдаги Қонунда уй-жойга муҳтож бўлган судья маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда суд жойлашган ерда хизмат турар жойи билан таъминланиши қатъий белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, судьянинг ўзига доимий яшаш учун белгиланган тартибда турар жой берилгунга қадар турар жой ижараси билан боғлиқ ха-

ражатлари компенсация қилиниши ҳам назарда тутилган. Шунингдек, ваколат муддати тугаган судьянинг ўртача ойлик иш ҳақи уларни янги ваколат муддатига қайта тайинлаш (қайта сайлаш) масаласи ҳал қилинаётган даврда ёхуд бошқа иш берилгунга қадар, лекин кўпи билан уч ойгача сақлаб қолиниши ҳам қонунан мустаҳкамланди.

Қонун билан судьялар ва уларнинг оила аъзоларига тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда уларнинг соғлигини тиклашга оид ижтимоий ҳимоя чоралари белгиланди. Бу нормалар судьяларимизнинг моддий таъминотини яхшилаш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш чораларини кучайтиришга хизмат қилади.

“Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрири БМТнинг 1985 йилда бўлиб ўтган 7-Конгрессида қабул қилинган “Суд органлари мустақиллигининг асосий принциплари”да қайд этилган барча меъёрларга мос келади.



**Нодир РАЖАБОВ,**  
жиноят ишлари бўйича Самарқанд туман суди раиси:

— “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳририда суд процессларининг очиклигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш мамлакатимиз таракқиётининг янги босқичида устувор вазифа сифатида белгиланган. Энди суд мажлиси залида ҳозир бўлган шахслар, оммавий ахборот воситалари вакиллари суд мажлиси залида қонунда белгиланган тартибда фотосуратга олиши, видео ва аудио ёзувни амалга ошириши мумкин. Демак, журналист ёки блогерлар суд муҳокамаларини фотосуратга олиш, видео ва аудио ёзувни амалга ошириш орқали жамоатчиликка суд органлари тўғрисида ахборотларни тақдим этиб боради. Шу ўринда алоҳида аҳамият қаратилиши лозим бўлган бир жиҳат бор. Оммавий ахборот воситалари вакиллари суд мажлиси залида бу ишларни қонунда белгиланган тартибда амалга ошириши талаб этилади. Бунда миллий ва халқаро қонунчиликда қатъий белгиланган тартиб — инсоннинг айбсизлик презумпциясига амал қилишга эътибор қаратилиши талаб этилади. Дейлик, жиноят суд процессида кимнингдир ҳали айби исботланмаган ҳолатда ОАВ вакиллари томонидан тасвирга

туширилди. Ўша тасвир оммавий ахборот воситаларида жамоатчиликка тарқатилди. Ҳали ўша инсон айбдорлиги тўғрисида суднинг қарори кучга киргани йўқ. Унутмаслик керакки, айбсизлик презумпциясига қатъий риоя қилиш қафолатлари халқаро одил судловнинг энг асосий стандарти ҳисобланади. Жиноий жавобгарликка тортилган ҳар бир шахс айбдорлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ исботланмагунча айбсиз деб топилиш ҳуқуқига эга.

Аслида судни ёритадиган журналистнинг профессионал фаолияти унинг суд залига киришга руҳсат этилганидан бошланади. Сабаби, журналист ёки блогер суд муҳокамаси жараёнини ёритади. ОАВ вакиллари суд биноларига кириши назорат ўтказиш жойидан бошланиб, ўзаро мулоқот бошланади. Суд биносига тегишли орган томонидан тасдиқланган тартибга риоя қилинган ҳолда кириш лозим. Бу руҳсат олиш, ташриф буюрувчиларнинг қўл юклари, ёзув ускуналари, турли хил қурilmалар, техник асбобларини текширишдан ўтказишни аниқлади. Суд мажлисида катнашиш учун келган шахслар, оммавий ахборот воситалари вакиллари суд биносига кириши суднинг ички фаолиятини тартибга со-

лувчи ҳужжатлар билан ўрнатилган қоидаларга қатъий риоя қилинган ҳолда таъминланиши лозим. Лекин, амалиёт нуқтаи назаридан масалага ёндашадиган бўлсак, бу билан боғлиқ баъзи бир муаммолар борлигидан ҳам қўз юмиб бўлмайди. Масалан, 2021 йил январь ойида Термиз туман жиноят ишлари бўйича судида “Effect.uz” ахборот агентлиги ходимлари билан суд тизими ходимлари ўртасида рўй берган тортишув ва англашилмовчиликларнинг видеотасвири ижтимоий тармоқларга жойлаштирилиб, жамоатчилик томонидан муҳокама қилинди.

Мазкур Қонундаги янги нормалар доимий равишда кўпчиликни қизиқтириб турадиган суд муҳокамаси очкоралигини таъминлашга хизмат қилади. Суд тизими фаолияти тўғрисида жамоатчиликка ўз вақтида ва объектив ахборот беришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириб, шу аснода жамиятда ҳуқуқий ҳабардорлик даражаси ошишига имкон яратади. Одил судловни амалга оширишнинг муҳим қафолатларидан бири ҳам шаффофлик ҳисобланади. Бу судлов фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш ва судга нисбатан жамият ишончини оширишнинг самарали воситасидир.



**Фазлиддин ХИДИРОВ,**  
фуқаролик ишлари бўйича Қўмқўрғон туманлараро суди судьяси:

— Янги таҳрирдаги Қонунда судья биринчи марта 5 йиллик муддатга, навбатдаги 10 йиллик муддатга ва лавозимда бўлишнинг муддатсиз даврига сайланиши ёки тайинланиши белгиланмоқда. Ушбу тартиб умумэътироф этилган халқаро принцип ва стандартларга тўла мос келади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Суд органлари мустақиллиги асосий принципларида судьянинг ваколати муддатлари судьялик лавозимида юқори ёшига қадар сақланиб қолишини назарда тутади.

Янгилликлардан яна бири — 35 ёшдан кичик бўлмаган, фуқароларнинг яшаш ёки иш жойидаги йиғилишида очик овоз бериш йўли билан икки ярим йил муддатга сайланган Ўзбекистон фуқароси халқ маслаҳатчиси бўлиши мумкинлиги белгиланганидир. Судда халқ маслаҳатчисининг аҳамияти жуда муҳим. Бежиз, 35 ёшдан кичик бўлмаган фуқаронинг халқ маслаҳатчиси бўлиб сайланиши белгиланаётгани йўқ. Адолатли ва қонуний қарор қабул қилиш учун судьялардаги етарли ҳаётий тажриба ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Судларнинг чинакам мустақил ҳокимият тармоғига айланаётганлигини қуйидаги рақамларда ҳам кўриш мумкин. Биргина, 2020 йилнинг ўзида судлар томонидан 719 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилганлиги, судланган шахсларнинг 74 фоизига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланганлиги, 5 минг 958 нафар шахсга нисбатан асоссиз қўйилган моддалар айбловдан чиқарилганлиги ёки ўзгартирилганлиги, охириги икки йилда ҳокимият ва назорат органларининг 2,5 мингга яқин қарори жисмоний ва юридик шахслар ари-засига кўра судлар томонидан бекор қилинган.



**Баҳодир ҚАЮМОВ,**  
жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман суди судьяси:

— Яқинда кучга кирган “Судлар тўғрисида”-ги Қонунга кўра, одил судловни амалга оширишда ҳар бир кишининг малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи қафолатланди. Жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш воситасида инсонларга муносиб турмуш шароитлари яратиб берилмоқда. Аҳамиятлиси, бундай амалий натижалар халқаро ҳамжамият томонидан ҳам юксак баҳоланмоқда. Айнан суд органлари фаолияти такомиллаштирилиши оқибатида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида юқори кўрсаткичларга эришилмоқда. 2020 йилда Ўзбекистон “Қонун устуворлиги” индексида 128 мамлакат ичида 92-ўринни эгаллаган ҳолда 3 та индикатор бўйича тўплаган баллари сезиларли даражада ошди.

Янги таҳрирдаги Қонунда ҳеч ким суд қарорига асосланмаган ҳолда қамоққа олиниши мумкин эмаслиги тўғрисидаги қоида алоҳида белгиланиши халқаро ҳужжатларда назарда тутилган умуминсоний принципларга тўла мос келади.

Бугун дунёнинг айрим нуқталарида рўй бераётган нохуш воқеалар, хунрезликлар инсон манфаатларини таъминлаш борасида ҳам жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Мана шундай мураккаб бир геосиёсий вазиятда мамлакатимизда ҳар бир фуқаро ҳуқуқий ҳимоядан четда қолмаслигига эътибор қаратилиб, амалда бунинг ижросини таъминлаш чора-тадбирлари белгиланмоқда.

Судьяларнинг фикр-мулоҳазаларини умумлаштирадиган бўлсак, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этадиган суд тизими фаолияти такомиллашувининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлайди. Бу эса, “адолатли қарор топтириш”га қодир бўлган суд органлари фаолиятини замон талабларига мослаштиришга хизмат қилади.

Давра суҳбатини журналист Арслон ЭШМУРОДОВ тайёрлади.



## ПРОФИЛАКТИК ЭМЛАШДАН ЎТИШНИ РАД ЭТГАН ХОДИМНИ ИШ БЕРУВЧИ ИШГА ҚЎЙМАСЛИККА ҲАҚЛИ

“COVID-19”га қарши кураш бугун тамоман бошқа босқичга кўтарилди, қатъий тартиблар кундалик одатга айланиб улгурди — карантин, ижтимоий масофа, ниқоб тақиш... Умуман, коронавирус турмуш тарзимизни кескин ўзгартиришга мажбур қилди: байрамлардан тортиб дафн маросимига. Эндиликда шуниси аён, инсоният коронавирус билан бирга яшашга мажбур, ҳали ундан бутунлай халос бўлиш имкони тўлиқ маълум эмас.

Айни шундай шароитда соғлом жамиятни тиклаш, вирусга қарши жамоавий иммунитетни шакллантиришнинг энг оптимал ечими вакцина олиш эканлиги аллақачон исботланди.

Илм-фан ютуқлари натижасида яратилган вакциналар жамият томонидан доим ҳам тўғри қабул қилинмаяпти. Бундай вазиятда ҳукуматлар томонидан юқори хавф остида бўлган ижтимоий гуруҳларни мажбурий вакцина қилиш бўйича чоралар кўрилмоқда.

Хусусан, Австралияда жорий йил июнь ойининг охирида карантинли меҳмонхоналарда кекса ёшдаги ишчилар ва хизматчилар учун COVID-19 вакцинаси билан эмлаш мажбурий қилинди. Токиога борадиган паралимпия спортчилари учун эмланиш ҳам мажбурий қилинган.

Англияда эса, октябрь ойидан бошлаб “Қариялар уйи” ишчилари учун коронавирусга қарши эмлаш мажбурий бўлади.

2021 йил 12 июлдан Францияда барча соғлиқни сақлаш ходимлари, кино-театрга борадиганлар ёки поезддан фойлананмоқчи бўлганлар эмланганлиги тўғрисида ҳужжатни ёки ковидга чалинмаганлиги бўйича салбий тест натижасини кўрсатиши шарт.

Қўшни Қозоғистонда 2021 йил июнь ойидан 20 дан ортиқ соҳада ишлайдиган одамлар мажбурий эмланган, эмлашдан бош тортганларда ҳафталик синовлар ўтказилган.

Мамлакатимизда коронавирус пандемияси билан боғлиқ вазиятни барқарорлаштириш мақсадида қатор чоралар кўрилмоқда.

Жорий йилнинг 2 августида Президентимиз томонидан имзоланган Қонун билан Меҳнат кодексига ходим карантинли ва юқумли касалликлар таҳдиди бўлганда профилактик эмлашдан ўтишни рад этса (қарши кўрсатма мавжуд

бўлмаганда) иш берувчи уни ишга қўймасликка ҳақли эканлигига оид қўшимча киритилди.

Шунингдек, “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонунга киритилган қўшимчага кўра, карантинли ва хавфли юқумли касалликлар тарқалиши таҳдиди бўлганда Бош давлат санитария врачининг қарори асосида аҳолини профилактик эмлашдан ўтказиш жорий этилиши мумкин.

Ушбу нормаларнинг белгиланишидан асосий мақсад — коронавирусга қарши вакцина олишни кенгайтириш орқали жамоавий иммунитетни ҳосил қилишдан иборат.

“COVID-19”га қарши эмланинг ҳамда ўзингиз, оила аъзоларингиз ва жамият саломатлигини асранг!

**Шоҳидахон ЮЛДАШЕВА,**  
Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи

БУГУН кимлардир ўзича “мард” кетиб шифокорларга қўл кўтараяпти. Уларга озор бериб, жароҳат етказаяпти. Бундай ҳолатнинг сўнггиси бир ҳафта аввал (агар шу орада яна уриб улгуришмаган бўлса) Наманган шаҳридаги 10-оилавий поликлиникада содир бўлди. “Енгилмас” юртдошимизнинг шифокорни дўппослаётган видеолавҳаси нафақат ўзимизда, узоқ-яқин кўшнилар томонда ҳам оёқлади. Кўпчилик уни “мароқ” билан томоша қилди. Ҳатто ўша зўравоннинг ўзига, тарбия берган ота-онасига “раҳматлар” айтишди.

## ШИФОКОРГА ОЗОР БЕРМА!



Шу ўринда шифокорга кучи етган айрим “қахрамон”ларга берадиган саволимиз бор: Сиз озор етказётган киши шахсий шифокорингиз эмасми? Албатта, йўқ. Бас, шундай экан, шифокор сизнинг қариндош-уруғингиздан бошқаларга ҳам хизмат кўрсатиши керак. Сизнинг бундай ноҳўй ҳаракатингизни на қонун, на жамият оқламайди.

Салкам икки йилдан буён бутун дунё аҳолини ваҳимага солиб, қалқитиб турган коронавирус балосига дучор бўлганларга ким кўз-қулоқ бўлиб, ўзининг ҳаётини гаровга қўйиб, унинг домидан омон сақлаб қолиш учун курашмаяпти? Албатта, тиббиёт ходимлари. Биз яна нега уларни таҳқирлаяпмиз? Нега яна уларга тажовуз қилаяпмиз?..

Бугун замон бошқа, давр бошқа. Балки, юқоридаги салбий ҳолатлар ўтган асрларда рўй берганда жиноятчи юртдан сазойи қилиниб, тошбўрон қилиниши шубҳасиз эди. Бундайлар на ўтмишдан, на бугундан хулоса қилиши ҳам даргумон.

Бугунги таҳликали замонда тиббиёт ходимларига ҳар қачонгидан-да кўпроқ муҳтожмиз. Шундай экан, қўлимиздан келса, уларга меҳр кўрсатайлик, агар бу иш қўлимиздан келмаса, уларнинг ишига ҳам ҳалақит бермайлик!

**Ёрбек ИСКАНДАРОВ,**  
“Инсон ва қонун” муҳбири

## КРЕДИТ МАБЛАҒЛАРИ нега ўз вақтида қайтарилмаяпти?

**МАЪЛУМКИ, кейинги йилларда фуқаролик ва иқтисодий судларга банклардан олинган кредит маблағларини бегиланган муддатда қайтармаслик оқибатида, жисмоний ва юридик шахслардан кредит маблағларини ундириш борасидаги даъво аризалари сони кескин ошганлигини кузатиш мумкин.**

Бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманларо суди судьялари томонидан “Ипотека банк” АТИБ Меҳнат филиалида банк кредит хизматини амалга ошириш бўйича масъул ходимлар билан семинар-тренинг тарзидаги давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда судьялар банклар томонидан кредит маблағларининг таъминот ҳужжатларига етарли эътибор қаратилмаётганлиги, шунингдек, кредит олган жисмоний ва юридик

шахслар томонидан пул маблағларини қайтариш имконияти мавжуд ёки мавжуд эмаслиги етарлича ўрганилмаслиги оқибатида кредит олган шахслар кейинги вақтларда банкрот аҳволга келиб қолаётганлиги, бунинг натижасида аҳоли орасида банклар ва судлардан норозилик кўпаяётганлиги ҳолатларига алоҳида тўхталди.

Шунингдек, банк ходимлари кредит маблағи ажратилаётган вақтда, кредит олувчининг бизнес режаси мавжудлиги, кредит таъминотини таъминлаш имкони бор ёки йўқлигига ҳам эъти-

бор қаратиши зарурлигига алоҳида урғу берилди.

Бундан ташқари, банклар томонидан имкон қадар пандемия шароитини ҳисобга олган ҳолда жисмоний ва юридик шахсларга имконият беришни, оилавий турмуш даражаси оғир аҳволдаги фуқароларни қўллаш даражасини ошириб, кечиктирилган кун учун жаримани имкон қадар ҳисобламаслик ёхуд ушбу суммани кечиктириб бўлса-да тўлаш учун имкон бериш каби чораларни кўриш тавсия этилди.

Шунингдек, тадбирда молиявий хизматларнинг омма-



## ЭЪЛОНЛАР

Қашқадарё вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 27 июлдаги буйруғига асосан Қарши шаҳридаги “Femida Qalqon” адвокатлик фирмаси адвокати Буриев Жаҳонгир Искандаровичга бошқарма томонидан 2018 йил 28 декабрь куни берилган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи КС 000143-реестр рақамли лицензияси ва адвокатлик мақоми тикланиб, 142-сонли адвокатлик гувоҳномаси қайтариб берилганлиги маълум қилинади.

Анджон вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 27 июлдаги буйруғига асосан Асака тумани “YURIST SHOIRA KARIMOVNA” адвокатлик бюроси адвокати Хамракулова Шоира Каримовнага 2018 йил 25 декабрда берилган АН 000165 рақамли, Анджон

шаҳар “NUR ZIYO FEMIDA” адвокатлар ҳайъати адвокати Дадахужаев Фаррух Фарходовичга 2018 йил 19 декабрда берилган АН 000053 рақамли, Анджон шаҳар “Анджон” адвокатлар ҳайъати адвокати Тюнеев Георгий Завеновичга 2018 йил 21 декабрда берилган АН 000107 рақамли ва Қўрғонтепа туман “Логика-хуқуқ” адвокатлик бюроси адвокати Жалилов Умит Алижоновичга 2018 йил 17 декабрда берилган АН 000035 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

Бухоро вилоят адлия бошқармаси томонидан “Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ бошқарманинг 2021 йил

24 июлдаги буйруғига асосан “HAQQIYEV RASHID JUMAQOVICH” адвокатлик бюроси адвокати Ҳаққиев Рашид Жамақовичнинг (лицензия 25.12.2018, ВН №000107, адвокатлик гувоҳномаси №107, 25.12.2018 й.) адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси ҳамда адвокатлик мақоми у айбланувчи тариқасида жалб этилган пайтдан бошлаб ва суд ҳукми қонуний кучга киргунига қадар ёхуд реабилитация қилувчи асосларга биноан уни жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилинунига қадар бўлган муддатга тўхтатилди.

“Нотариат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 152-моддаси ҳамда Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси ҳузуридаги малака комиссия-

сининг 2021 йил 7 июлдаги 9-сон йиғилиш қарорига асосан Қарши туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ахмедова Мафтуна Алимхановнага (лицензия КС 0011, 2020 йил 23 апрель) вилоят адлия бошқармаси томонидан берилган хусусий нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши жорий йилнинг 8 июль кунидан 8 август кунига қадар ва Қарши шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алпаярова Фотимаой Чорияровнага (лицензия КС 0026, 2020 йил 27 апрель) вилоят адлия бошқармаси томонидан берилган хусусий нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши 2 ой муддатга, жорий йилнинг 8 июль кунидан 8 сентябрь кунига қадар тўхтатилди.

## Инсон ва қонун

МУАССИС:  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

“Адолат” миллий ҳуқуқий  
ахборот маркази нашри  
info@adolatmarkazi.uz

2007 йил 3 январда  
Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида  
0081-рақам билан  
рўйхатга олинган



Бош  
муҳаррир

Қўчқор  
НОРҚОБИЛ

## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Тошқулов Акбар Жўрабоевич  
Рабиев Шерзод Миржалилович  
Тожиёв Фурқат Шомуродович  
Искандаров Ёрбек Нурбекович  
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Таҳририятга келган  
қўлёзмалар тақриз  
қилинмайди ва муаллифга  
қайтарилмайди.

Навбатчи  
Ёрбек Искандаров  
Саҳифаловчи-  
дизайнер  
Жасур Тожиёв

Нашр индекси: 137

“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табақ ҳажмда, офсет усулида “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.  
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Тиражи — 3320  
Буюртма — V-4789

Топшириш вақти — 19:00  
Топширилди — 22:00

МАНЗИЛИМИЗ:

100 115, Тошкент ш.  
Чилонзор кўчаси-29.

Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳоси келишилган нархда

1 2 3 4 5



# ПЕНСИЯ

## тайинлаш ва тўлаш тартиби қандай?



“Ишонч телефони”га келиб тушаётган мурожаатларга жавоблар

1008

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Меҳнат кодексининг 289-моддасига асосан ёшга доир пенсия суғурта қилинган ходимларга умумий асосларда: эркаклар — олтмиш ёшга тўлган бўлиб, умумий меҳнат стажы йигирма беш йилдан кам бўлмаган тақдирда, аёллар — эллик беш ёшга тўлган бўлиб, умумий меҳнат стажы йигирма йилдан кам бўлмаган тақдирда тайинланиши кўрсатиб ўтилган.

Пенсия суғурта қилинган ходимларнинг айрим тоифаларига пенсия ёши кам бўлганда, тегишли ҳолларда эса, — меҳнат стажы кам бўлганда ҳам тайинланади.

### Ёшга доир пенсия қачондан бошлаб тўланади?

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни 47-моддасига биноан ёшга доир пенсия — агар пенсия олиш ҳуқуқи пайдо бўлган кундан бошлаб олти кун ичида уни сўраб мурожаат этилган бўлса, пенсия ёшига тўлган кундан эътиборан тайинланади.

Ушбу пенсия умрбод тайинланади.

### Пенсия миқдори қандай аниқланади?

Пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун, ишдаги мавжуд танаффуслардан қатъи назар, охириги ўн йиллик меҳнат фаолияти давомидаги исталган кетма-кет беш йилдаги (пенсия сўраб мурожаат этган кишининг танлови бўйича иш ҳақи олинади).

Пенсия миқдори иш стажининг муддатига боғлиқ бўлиб, куйдагилардан таркиб топади:

- пенсиянинг таянч миқдоридан;
- иш стажы учун пенсиянинг оширилишидан;
- пенсияга қўшиладиган устама ҳақлардан.

### Иш стажы тўлиқ бўлмаганлар учун ҳам пенсия бериладими?

Пенсия тайинлаш учун етарлича иш стажыга эга бўлмаган шахсларга ёшга доир пенсиялар Ўзбекистон Республикаси “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунининг 37-моддаси биринчи қисмининг “а”, “б”, “в”, “г” бандларида назарда тутилган камида 7 йил иш стажы мавжуд бўлган тақдирда, бор стажга мутаносиб миқдорда тайинланади.

#### Яъни:

а) 2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун — фаолият тури, мулк ва хўжалик юришти шаклларида қатъи назар, ходим давлат томонидан ижтимоий суғурталанган ҳолда бажарган ҳар қандай иш, агар у Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган бўлса;

2019 йил 1 январдан кейинги давр учун — ходим томонидан бажарилган ҳар қандай иш, агар меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар ҳисобланган бўлса.

1965 йилдан кейинги давр учун жамоа хўжалигидаги иш стажыни ҳисоблаб чиқаришда, агар жамоа хўжалиги аъзоси узрси сабабларга кўра жамоа хўжалигида белгиланган меҳнатда иштирок этиш минимумини бажармаган бўлса, ишланган вақтнинг амалда давом этган даври ҳисобга олинади.

Ижодий фаолият билан машғул ходимларнинг иш стажыни, башарти улар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган бўлсалар, ижодий уюшмаларнинг бошқарувлари ана шу муаллифнинг асари эълон қилинган ёки бирин-

чи марта жамоат олдида ижро ёки намойиш этилган кундан эътиборан белгилайдилар;

б) ҳарбий хизмат ва партизан отрядлари ҳамда қўшилмаларида бўлиш, давлат хавфсизлиги органларида ва ички ишлар органларида хизмат қилиш;

в) идоровий бўйсунувидан қатъи назар, ҳарбийлаштирилган соқчиликдаги, махсус алоқа органлари ва тоғ-кон-қутқарув қисмларидаги хизмат;

г) якка тартибдаги меҳнат ва оилавий тадбиркорлик фаолияти, шу жумладан, шахсий ёрдамчи хўжалигидаги ва юридик шахс ташкил этилмаган ҳолдаги деҳқон хўжалигидаги фаолият;

☑ 2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўланган тақдирда;

☑ 2019 йил 1 январдан кейинги 2019 йил 31 декабрга қадар бўлган давр учун — ягона ижтимоий тўлов тўланган тақдирда;

☑ 2020 йил 1 январдан — ижтимоий солиқ тўланган тақдирда.

### Пенсия нима учун қайта ҳисобланади?

Пенсионер пенсия миқдорини қайта ҳисоблаб чиқиш учун асос пайдо бўлган тақдирда пенсиянинг тайинланган тури миқдорини қайта ҳисоблаб чиқиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

Қуйидаги ҳолатлар тайинланган пенсия миқдорини қайта ҳисоблаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади:

а) пенсионер томонидан пенсия ҳужжатлар йиғмажилдида мавжуд бўлмаган ва пенсия миқдорига таъсир кўрсата-

диган қўшимча ҳужжатлар тақдим этилиши (иш стажы ва пенсия тайинлангунга қадар иш ҳақи тўғрисида);

б) ногиронлик гуруҳининг ўзгариши;

в) боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олувчи оила аъзолари сонининг ўзгариши;

г) устама ҳақи олиш ҳуқуқининг пайдо бўлиши;

д) базавий ҳисоблаш миқдорининг ўзгариши;

е) даромадларнинг индексация қилиниши.

Пенсия миқдорини қайта ҳисоблаш тўғрисидаги ариза пенсионер яшайдиган жой бўйича Пенсия жамғармаси бўлимига бериледи.

Оиланинг вояга етмаган аъзоси (боқувчисини йўқотганлик пенсияси) ёки белгиланган тартибда ҳуқуқий лаёқатсиз деб эътироф этилган шахсининг номидан пенсия миқдорини қайта ҳисоблаш тўғрисидаги ариза унинг ота-онаси ёки қонуний вакили яшайдиган жой бўйича Пенсия жамғармаси бўлимига берилиши мумкин.

Қуйидаги ҳолатларда пенсия миқдорини қайта ҳисоблаш тўғрисида ариза бериш талаб қилинмайди:

☑ қонун ҳужжатларида мувофиқ пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори ўзгарганда;

☑ тайинланган пенсия миқдори камайишига олиб келган ҳолатлар юз берганда;

☑ оиланинг 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган аъзоларидан бири таълим муассасасидан берилган унинг ўқувчи эканлиги ҳақидаги маълумотномани тақдим этган тақдирда боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олувчи оила аъзолари сони ўзгарганда;

☑ ногиронлик гуруҳи ўзгарганда;

☑ I гуруҳ ногиронлиги белгиланганда.

Пенсия миқдорини қайта ҳисоблаш тўғрисидаги ариза Пенсия жамғармаси бўлими томонидан беш кун муддатда кўриб чиқилади.

### Кимларнинг пенсияси қайта ҳисобланиши мумкин?

Пенсияларни қайта ҳисоблаш:

☑ пенсионер пенсия миқдори таъсир кўрсатувчи (пенсия тайинланишигача бўлган иш стажы ва иш ҳақи тўғрисидаги ҳамда бошқа) қўшимча ҳужжатларни тақдим этган тақдирда;

☑ ногиронлик гуруҳи ўзгарганда;

☑ боқувчисини йўқотганлик пенсияси оладиган оила аъзолари сони ўзгарганда;

☑ пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдорлари ўзгарган тақдирда;

☑ даромадлар индексация қилинган тақдирда амалга оширилади.

Пенсионерлар пенсияни қайта ҳисоблаш учун ана шундай ҳуқуқ пайдо бўлганидан кейин исталган вақтда мурожаат этишлари мумкин.

### Тайинланган пенсияни қайта ҳисоблаш муддати қандай?

Пенсияни ошириш ҳуқуқи пайдо бўлганида тайинланган пенсияни қайта ҳисоблаш пенсионер пенсияни қайта ҳисоблаш учун мурожаат этган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб амалга оширилади.

Пенсия миқдорини камайишига сабаб бўладиган ҳолатлар вужудга келган тақдирда қайта ҳисоблаш ана шу ҳолатлар пайдо бўлган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб амалга оширилади.